

## ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР. ХАЛҚ ТАБОБАТИНИНГ ТАРИХИ.

**САФАРОВ З. А**

*Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларни малакасини ошириш  
ва уларни ихтисослаштириш маркази Термиз филиали директори*

**Зайниддинов. М**

*Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларни малакасини ошириш  
ва уларни ихтисослаштириш маркази Термиз филиали ўқитувчиси*

РЕЖА.

1. Шарқ, Осиё ва Ғарб халқлари табобати ва уларда ишлатиладиган доривор ўсимликлар.
2. Абу Али ибн Сино ва «Тиб қонунлари» нинг фитотерпиядаги аҳамияти
3. Халқ табобатида қадимдан ишлатиб келинаётган айрим доривор ўсимликлар.

Кириш. Фармакологиянинг тарихи фитотерпиядан бошланган десак хато бўлмайди. Чунки у инсоният тарихи каби қадимийдир. Ибтидоий даврда инсонлар асосан дори моддалари сифатида ўз теварак-атрофидаги турли ўсимликлардан фойдаланганлар. Улар жониворларга тақлид қилиб ёки тасодифан ўсимлик таъсирига эътибор бериб, уни даволаш мақсадида қўллаганлар. Эберс (1837-1898 йй.) топган қадимий ёдгорлик ва қолдирилган ҳужжатлардан папирус шуни исботлайди. қадим Мисрда ўсимликдан тайёрланган айрим дорилар опий, канакунжут мойи ва бошқалар даволаш учун қўлланилган. Бу давр фармакологиянинг шахсий тажрибага асосланган эмпирик даври деб юритилади.

Асосий қисм. Фармакология фан сифатида 18-19 асрларда ривож топди. Айрим алкалоидлар ва бошқа моддаларнинг доривор гиёҳлардан ажратиб олиниши ва шу билан бирга тажриба ўтказиш усулларининг топилиши, дори моддалари таъсирини ўрганишда алоҳида бурилишга олиб келди. Фармакология ва фитотерапиянинг фан сифатида асрлар мобайнида шаклланишида қуйидаги олимларнинг қўшган ҳиссалари беқиёсдир.

Гиппократ (янги эрагача 480-372 йй.). Унинг асарларида илк бор касаллик тарихи келтирилган, буюк олим беморга шахсий ёндошиш кераклигини тарғиб этган. Дорилар тўғрисида турли маълумотлар қолдирган, инсонни табиат билан бир бутун деб ҳисоблаган.

Гален (янги эранинг 129-211 йй) у дори препаратлари тайёрлашнинг бир қанча усулларини топган. Дори тайёрлаш технологиясига асос солган. Унинг усули билан тайёрланган асосан ўсимлик препаратлари гален препаратлари деб юритилади.

Кўпроқ таъбот соҳасида қалам тебратган ва захматкаш халқимиз дардига малҳам бўлган олимларимиздан Абу Бакр ар Розий (865-925йй.), Абу Наср ибн Ироқ (1035 йилда вафот этган), Абу Райхон Беруний (973-1048йй) сингари алломаларни қайд этиш лозим. Бу сиймолар жахон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар Юқорида номлари зикр қилинган олимлар билан деярли бир вақтда ижод этган, Ўрта Осиёнинг қомусий олими, таъбот илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино булар ичида ўзига хос ўрин тутди.

Ибн Сино 980 йилнинг 16 августида Бухоро яқинидаги Афсона қишлоғида дунёга келган ва 1037 йили Хамадонда вафот этган. Унинг мақбараси устида 12 устундан иборат гумбаз қад кўтариб туради. Бу Ибн Сино давридаги асосий 12 та фан йўналишини ва бу йўналишларнинг ҳаммасини Ибн Сино мукамал эгаллаганидан дарак беради.

Ибн Сино ўзининг қисқа яшаб ўтган умрида ўзидан 131 та ва шогирдлари билан ҳамкорликда яратилган жами 242 та асар қолдирган. Тиббиёт оламида донғи оламга таралган асарларидан бири 5 жилддан иборат Тиб қонунлари асаридир.

Умуман Ибн Сино тиббиётга бағишланган 55 та асар ёзган. Шундан 31 тасини шахсан ўзи, қолган 24 тасини эса ўз шогирдлари билан бирга яратган. Ибн Синонинг мазкур Тиб қонунлари китоби 5 қисмдан иборат

Беморларга даво қилишда тиббиёт амалиётида фақат фитотерапия билан чегараланиб қолмасдан, балки даво қилишнинг бошқа мавжуд усуллари билан, шу жумладан синтетик ва ярим синтетик дорилардан, физиотерапия ва бошқалардан фойдаланиш катта самара берди. Бу касалликнинг турига, унинг кечишига, беморни аҳволига ва бошқа-бир қатор омилларга боғлиқ.

Шунинг учун фитотерапияни маълум даво усуллари билан ажратиб бўлмайди ва беморларга комплекс даво қилишнинг усуллари билан бири деб қаралиши керак.

Кўпгина доривор ўсимликларнинг шифобахш таъсири кўп қиррали бўлишига қарамасдан, бир неча гиёҳлардан тайёрланган йиғма дорилар анча самарали даво таъсирини кўрсатади. Буларга мисол қилиб ҳозир тиббиёт амалиётида кенг қўлланилаётган марелин, кардиовален, кафиол, уролесан, викаир препаратларини келтириш мумкин.

Доривор ўсимликлардан турли дори шакллари (дамлама, қайнатма, тиндирма-настойка, экстрактлар, порошоклар ва бошқалар) тайёрланади.

Уларни тайёрлаш ёки улардан яқка холдаги тоза дори моддасини ва дори препаратларини олиш учун қўлланиладиган ўсимликларнинг маълум қисмлари ёки шу ўсимликлардан бирламчи ишлаш йўли билан олинган моддалар (эфир мойи, мой, дарахт элими ва б.) доривор ўсимликлар маҳсулоти деб юритилади.

Одатда ушбу маҳсулотлар биологик фаол моддаларни кўп миқдорда сақлайди. Доривор маҳсулот сифатида ўсимликларнинг эр устки қисми (барги,

гули, меваси, уруғи, пўстлоғи, куртаги, ўт ўсимликларнинг бутун эр устки қисми, ўти) ёки эр остки қисми (илдизи, илдизпояси, пиёзи, туганаги) бўлиши мумкин.

Ўсимликлар таркибида учрайдиган ҳар хил бирикмалар биологик фаол моддалар сифатида бўлиши мумкин. Улар қуйидагилар: алкалоидлар, гликозидлар, витаминлар, ёғлар, ёғсимон моддалар, кислоталар, кумаринлар, лигнанлар, ошловчи моддалар (танидлар), полисахаридлар, сапонинлар, флавоноидлар, эфир мойлари (терпеноидлар), фитонцидлар ва бошқалар. Ушбу моддалар ўсимликнинг ўсиш-ривожланиш даврининг турли вақтида йилнинг фаслига қараб кўп миқдорда тўпланади, айна шу вақтда улар юқори сифатли ҳисобланади ва тайёрланиши лозим. Шунга қараб маҳсулотлар доривор ўсимликларнинг турли даврларида йиғилади. Масалан, ўсимликнинг эр устки қисми (ўти) ўсимлик гуллаганда, барглари гуллаш олдида ёки гуллаганда, куртаклар ва пўстлоқлар ўсимлик танасида суюқлик юра бошлаганда (эрта баҳорда), эр остки қисмлари эса одатда ўсимлик уйқуга кирганда (кеч кузда) йиғилади.

Доривор ўсимликларни йиғишда қуйидагиларга риоя қилиниши зарур:

1. Доривор ўсимлик маҳсулотлари олдиндан мўлжалланган, рухсат этилган эрда ва миқдорда йиғилади.

2. Ушбу маҳсулотлар қабул қилинган қоида бўйича қуритилиши даркор.

3. Кўп йиллик доривор ўсимликларнинг эр устки қисми тайёрланаётганда уларнинг илдизини қолдириш зарур.

4. Илдиз ва илдизпояни кавлаб олишда илдизнинг бир қисми қолдирилиши шарт.

5. Ўсимлик маҳсулотини тайёрлашда яхши тараққий этган, гуллаб турган ўсимликни (унинг меваси этилиб уруғларга сочилиб кўпайиши учун) қолдириш зарур.

Ушбу қоидалар ҳисобга олинса, доривор ўсимликларнинг манбаи сира камаймайди ва улар абадий сақланади.

Дори воситаларининг яратилиши ва тиббиёт амалиётига жорий қилиниши

Хулоса. Юқорида айтилганидек, қадимдан янги дори моддаларини олиш манбаи ўсимликлар, жониворлар ва минераллар ҳисобланган. XIX аср ўрталарида эса, кимё фанининг тараққиёти туфайли дориларни кимёвий синтез йўли билан олишга эришилди.

Кейинчалик иммунология фанининг ривожланиши ва шаклланиши ҳисобига шифобахш зардоблар, вакциналар тайёрлаш, замбуруғлардан антибиотиклар олиш технологиялари яратилди. 80 йиллардан бошлаб эса, биотехнологиянинг изчил ривожланиши натижасида аралаш бирикмалар ҳамда индивидуал тоза препаратлар олиш йўлга қўйилди.

Хулоса.

Ҳозирги кунда республикамизда жуда ҳам кўплаб доривор ўсимликлар бор, улар қайнатма ёки дамлама шаклида организмга қабул қилинганидан профилактик таъсир кўрсатади. Ҳеч қанақа заҳарли токсик таъсири йўқ ҳамда организмда касалликларга қарши таббий иммунитет ҳосил бўлади. Ҳамма органларга таъсир кўрсатади. Масалан ҳар бир ҳонадонда чеснок бор уни эрталаб оч қоринга бир бўлагини кесиб бутунлигича ютса, қон суялтириб давленияни тушуради ва организмдаги гижжаларни тушуриб берувчи ҳисобланади. Доривор фитопрепаратлар таъсир доираси юқорилиги ва токсик таъсири йўқлиги билан ажралиб туради.

### **АСОСИЙ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚУЛЛАНМАЛАРИ РЎЙХАТИ:**

1. М.Н.Махсумов, М.М.Маликов «Фармакология». Тошкент., 2006й.
2. М.Н.Махсумов, Х.Х.Холматов «Фитотерапия фармакология асослари билан бирга». Тошкент., 2003й.
3. Б.А.Самура, Л.Т.Малая «Фитотерапия в клинике внутренно болезней». Харьков. 2003.
4. М.Д.Машковени «Лекарственные средства» (1 – 2 топ). Москва. 2004й.  
Кўшимча
5. М.Н.Набиева, Э.Джўраев. «фитотерапия ва бити». Тошкент.
6. М.Н.Махсумов. «ма"рузалар матни». 2000й., 1994.
7. Х.У.Алиев, М.Н.Махсумов. Ўқув – услубий қўлланма. Тошкент.. 2003й.  
Интернет ва ЗиёНет сайтлари
8. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
9. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz).
10. [www.uzpharm-control.uz](http://www.uzpharm-control.uz)